



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ СУФУРТАЛАШДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ

**Гаффоров Анваржон Укташович -**  
**"FAROVON SUG'URTA" АЖ**  
**Бош директор ўринбосари**

**doi:** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a50](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a50)

**Аннотация.** Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги таваккалчиларини сугурталаш соҳасида риск менежментини ривожлантириши йўллари хорижий мамлакатлар тажрибалари мисолида таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалигидаги рискларни бошқариша суғурта тизимининг устунликлари ҳамда ўзига хос ҳусусиятлари кўрсатиб берилган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига уни қўллаш имкониятлари татбиқ этилган ҳамда тавсиялар берилган.

**Калим сўзлар:** аграр соҳа, агрокластер, риск менежменти, агросуғурта, сугурта маҳсулотлари, рискини бошқариш, кредит, биржаси, сугурта шартномаси.

### СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЕ РИСКИ УПРАВЛЕНИЕ РИСКАМИ В СТРАХОВАНИИ

**Гаффоров Анваржон Укташович -**  
**АО "FAROVON SUG'URTA"**  
**Заместитель генерального директора**

**Аннотация.** В данной статье анализируются пути развития риск-менеджмента в сфере страхования сельскохозяйственных рисков на примере опыта зарубежных стран. Показаны преимущества и особенности системы страхования в управлении сельскохозяйственными рисками. Осуществлены возможности его применения в сельском хозяйстве Узбекистана и даны рекомендации.

**Ключевые слова:** аграрный сектор, агрокластер, управление рисками, агрострахование, страховые продукты, управление рисками, кредит, биржа, договор страхования.

### AGRICULTURAL RISKS, RISK MANAGEMENT IN INSURANCE

**Gafforov Anvarjon Uktamovich -**  
**"FAROVON INSURANCE" JSC**  
**Deputy Director General**

**Abstract.** This article, the ways of developing risk management in the field of agricultural risk insurance are analyzed on the example of the experiences of foreign countries. The advantages and specific features of the insurance system in agricultural risk management are shown. Possibilities of its application in the agriculture of Uzbekistan are implemented and recommendations are given.

**Keywords:** agricultural sector, agro-cluster, risk management, agro-insurance, insurance products, risk management, credit, exchange, insurance contract.

**Кириш.** Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари қишлоқ хўжалигига хос бўлган рискларни бошқариш жараёнининг фаол иштирокчилари бўлиб, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга хавфларни яхшироқ бошқаришда ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, маҳаллий аграр иқтисодиёт учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи (фермер ва/ёки дәхқон хўжалиги, кластер)лар табиий оғатлардан зарар кўрган тақдирда уни қўллаб-қувватлай оладиган сугурта воситасидан фойдаланиш зарурати ҳам долзарбди.

Жўмладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатдорлигини ошириш учун қуляй шароитлар яратилганини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қа-

порига кўра, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, пахта хомашёси, бошоқли дон ва мева-сабзавот экинларини етиштириш харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маҳсулот етиштирувчилар билан қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва етиштирилган ҳосилнинг кафолатли харид қилинишини таъминлаш мақсадида қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчи корхоналарни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби белгиланди (17.08.2022 йилдаги 455-сон).

Юртимизда дәхқончилик ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳияти-

ни ошириш мақсадида кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомилаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуруламал бўлмоқда.

Айни пайтда ушбу масаланинг халқаро амалиёт тажрибаси таҳлили қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши узлуксизлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда хатарларни бошқаришнинг энг самарали усули суғурта эканлигини кўрсатмоқда. Сифатли суғурта хизматлари ва бу борадаги ҳукумат дастурларини ишлаб чиқиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга имкон беради, аграр тармоқни кўллаб-куватлашга қаратилган давлат бюджети харажатларини қисқартиради. Амалиётда қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқаришга қаратилган турли хил стратегиялар ишлаб чиқилган, бироқ агросуғурта қишлоқ хўжалигига турли хатарлардан, кўзда тутилмаган йўқотишлардан ҳимоя этишнинг самарали воситаси бўлиб қолмоқда. Агросуғурта барча турдаги қишлоқ хўжалиги хатарларини бошқаришнинг синалган механизми эканлиги билан бир қаторда суғурта бозорининг барча иштирокчилари манфаатларини бирлаштиришнинг энг мақбул йўли ҳамdir. Шунинг учун аграр соҳани суғурталашнинг замонавий моделларини ривожлантириш унга инновацион ёндашувни тақозо этади.

**Мавзуга оид адабиётлар шархи.** Суғуртанинг бизнес сифатидаги хусусиятлари тадбиркорлик фаолиятининг молиявий механизми шаклланадиган бир қатор тамойилларда ўз аксини топади. Жумладан, австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетер “Иқтисодий ривожланиш назарияси” китобида иқтисодий тизимдаги доимий ўзгаришларга сабаб бўлувчи омилларни тадқиқ этиб, иқтисодий динамикани ўрганиш асосида хатарларни таснифлаш ва гурухлаштиришга алоҳида эътибор қаратган [1].

Ф.Найт “Хатар, ноаниқлик ва фойда” китобида мукаммал ва номукаммал рақобат шароитида хатар, ноаниқлик ва корхона фойдаси ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этган. Ж.Нейман ва О.Моргенштернлар ноаниқлик ва хатар тушунчаларини тадқиқ этишда ўйинлар назарияси нуқтаи назардан ёндашганлар [2].

МДҲ мамлакатларида хатарларни бошқариш масалаларини тадқиқ этиш ўтган аср охирларида ниҳоятда фаоллашди. Жумладан, И.Т.Балабанов ўз тадқиқотларида риск менежментининг мазмуни ва уни ташкил этиш, хатар даражасини пасайтириш усуllibari, йўналишлари ва стратегияси, уларни суғурталаш [3],

К.В.Балдин хатарлар шароитида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг методологик, ташкилий ва технологик асослари [4], С.М.Васин ва В.С.Шутовлар тадбиркорлик фаолиятидаги хатарлар ва уларни туркумлаш, хатарларни аниқлаш ва таҳдил қилиш усуllibari, корхона стратегиясида хатарлар бошқариш хусусиятларини тадқиқ этганлар [5].

Яна бир таниқли олим Л.И.Рейтманнинг фикрича, суғурта жамиятнинг молиявий тизимдаги пул тақсимоти муносабатларининг бир қисми сифатида қуйидагиларни аниқлайди: хавфли, огоҳлантириш, йиғинди ва назорат [6].

В.П.Литовченко ўз талқинида кўпроқ ихтинослашган ва суғурта функциялари тўпламини қуйидагича белгилайди: етказилган зарарни қоплаш ва фуқароларнинг шахсий моддий таъминоти, маблағларнинг ихтинослаштирилган суғурта фондини шакллантириш ва суғурта ҳодисасининг олдини олиш ва зарарни минималлаштириш тушунчаларини таъкидлайди [7].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Зайнутдинов, А.Шермуҳаммедовлар бошқарув жараёнида дуч келадиган хатарлар ва уларнинг таҳлили, хатарларнинг турлари ва бошқариш шакллари [8], А.Абдуғаниев қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодиётдаги роли, аҳамияти, унинг самарадорлигини ошириш масалаларида илмий изланишлар олиб борганлар [9].

Мамлакатимиз олимлари тадқиқотларида ушбу соҳа кенг ўрганилган бўлса-да, иқтисодиётнинг либераллашуви ва таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятидаги рискларни бошқариш борасидаги тадқиқотлар янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигидаги рискларни бошқаришда хорижий мамлакатлар тажрибаларини умумлаштириш ва мамлакатимиз аграр секторида кўллаш имкониятларини асослаш мазкур тадқиқотнинг мақсади бўлиб хизмат қиласди.

**Тадқиқот методологияси.** Мақоланинг мақсади қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш тизимини ривожлантиришдаги муаммолар ва ҳал этиш йўлларини кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ рискларни давлат институтлари томонидан тартибга солиш усуllibarini такомиллаштириш бўйича тавсиялар беришдан иборат. Тадқиқот методологиясини мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг қишлоқ хўжалиги тармоғида фермерлик (дехқон хўжалиги) фаолиятини ташкил этиш ва юритишнинг илмий асослари бўйича олиб борган илмий ишларининг натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг агросаноат тизимида фермер (дехқон) хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари ташкил эта-

ди. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда суғурта рискларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистон суғурта бозорида риск менежментини ривожлантиришга хизмат қиласди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Мамлакат агросаноат мажмуаси тизимида мулкий муносабатларнинг ўзгариши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарор ишлашини таъминловчи давлат кафолатларини сезиларли даражада қисқартиради. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий бекарорлик, иқтисодий алоқаларнинг узилиши таваккалчиллик даражасини оширади. Шу билан бирга, мазкур соҳада мавжуд хавф-хатарларни (рисклар)ни бошқаришни талаб этади. Рискларни бошқариш ёки рискларни бошқариш масаласи, одатда, банк ва суғурта фаолиятида ўрганилади. Мамлакатимизда рискларни бошқариш назариясига, гарчи чет эл иқтисодчилари фойдани бошқариш эмас, балки таваккал (рискли) вазиятларни бошқаришни асосий вазифа деб билишса-да, етарлича эътибор берилмаяпти.

Деярли бутун дунёда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини хавф шароитида олиб бориш табиий жараёндир. Иқтисодиётнинг аграр секторида бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни ва таваккалчилкни бошқариш соҳасида қарорлар қабул қилиш самарадорлиги ўртасидаги қарама-қаршиликлар кучаймоқда. Кўпгина бошқарув қарорлари нафақат табиий, балки иқтисодий хавф-хатарлар шароитида ҳам амалга оширилиши керак. Муаммоларни ҳал қилиш учун маслаҳатчилар хавф юзага келган тақдирда уни баҳолай олишлари, шунингдек, хавфнинг олдини олиш ёки камайтиришга ҳаракат қилишлари керак. Хатарлар йўқотишлар, яъни ресурсларнинг кутилмаган, қўшимча мумкин бўлган харажатлари билан боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Улар табиий ҳодисалар ёки ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятнинг ҳақиқий йўналиши меъёрдан четга чиқиши натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Хатарларнинг турли таснифлари маълум, аммо амалда барча турлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва қўпинча уларни фарқлаш жуда қийин. Баъзи муаллифлар ташқи ва ички рискларни ажратиб кўрсатиш мумкин, деб ҳисоблайдилар, бошқалари ишлаб чиқариш рискларининг турли шаклларини таклиф қиласди-лар: пул (молиявий ресурсларга эга бўлиш хавфи, шартнома риски, бизнесни режалаштириш хавфи, молиявий ва молиявий бўлмаган хавфларни ҳисобга олиш хавфи), ишлаб чиқариш (технологик, техник, инновацион), товар (якуний маҳсулотни сотиш хавфи, сифат хавфи).

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг рискларини фаолият турлари ва таваккалчилклари бўйича таснифлаш энг тўлиқ таснифлардан биридир. Замонавий иқтисодий шароитда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш қуидаги хавфлар динамикасига сезиларли таъсир кўрсатадиган йўқотишларни ҳисобга олишни талаб қиласди: қишлоқ хўжалиги корхонасининг 100 гектарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун асосий харажатлари миқдорининг ошиш хавфи, қишлоқ хўжалиги ерларининг 100 гектарига етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган тушумлар миқдорининг камайиши хавфи. Иқтисодий таваккалчилликнинг барча турлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хосдир. Аммо ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида энг долзарб ва кам ўрганилган иқтисодий хавф ҳисбланади. Бу иқтисодий фаолият жараёнида юзага келади ва ресурсларнинг потенциал йўқолиши, шунингдек, даромаднинг камайиш хавфи билан боғлиқ.

Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида хавф даражасини минималластириш ва ноаниқликни бартараф этиш бошқарув, прогнозлаш ва режалаштиришнинг оптималь шаклларини излаш билан боғлиқ. Хатарларни минималластириш бўйича ишлар икки босқичда - хавфни баҳолаш ва рискларни бошқаришда амалга оширилиши керак.

Рискни баҳолаш – уни аниқлаш, унинг сифат ва миқдорий хусусиятларини аниқлаш, хавф омилларини ва индивидуал хавфнинг умумий даражасига таъсирини аниқлаш имконини берувчи процедуralар тўплами. Баҳолаш корхона фаолияти ва унинг иш мұхитини ҳар томонлама ўрганиш, ташқи ва ички хавф омилларини таҳлил қилиш, хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлашга асосланади. Таҳлил қилиш учун ишлатиладиган усуllлар жуда кенг. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: эксперт баҳолаш усуllлари ва математик. Хатарларни таҳлил қилишнинг мураккаблиги шуни кўрсатадики, маслаҳатчилар маҳсус тайёргарлиқдан сўнг юқори малакали иқтисодчи ёки агроном-иқтисодчи бўлиши мумкин.

Рискларни бошқариш – хавфнинг дастлабки даражасини пасайтиришга қаратилган иқтисодий асосланган тавсиялар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш.

Ҳақиқий бизнес шароитида корхона фаолиятининг турли жиҳатларига таъсир қилувчи турли хил бошқарув усуllарини қўллаш мумкин. Р.М. Качалов томонидан таклиф қилинган таснифга кўра, улар тўрт гуруҳга бўлинган: хавфдан қочиш усуllлари, хавфларни локализация қилиш усуllлари, хавфни тақсимлаш усуllари, рискни қоплаш усуllари.

Рискларни бошқариш – вазиятни таҳлил қилиш, бошқарув қарорини ишлаб чиқиш ва асослаш, кўпинча хавфни минималлаштиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжат шаклидир. Ҳозирги вақтда суғурта ва банк иши каби фаолият соҳалари учун рискларни баҳолаш ва бошқариш усуллари етарлича батафсил ишлаб чиқилган. Саноат тадбиркорлигига келсак, бу борадаги ишлар дастлабки босқичда, холос.

Шунинdek, қишлоқ ҳўжалиги суғуртасининг давлат томонидан қўллаб-кувватланиши ва рискларни бошқаришни Россия Федерацияси мисолида қўрадиган бўлсак:

*Россия Федерацииси Молия вазирлиги: қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси соҳасидаги қонунлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини давлат қўмагида ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади. Қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси соҳасидаги қонунчилик ва норматив ҳужжатлар лойиҳалари бўйича тегишли хуносалар беради.*

*Россия Федерацииси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги: давлат томонидан қўллаб-кувватланган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси соҳасидаги қонунлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади. Давлат дастурида назарда тутилган ҳажмларга мувофиқ суғурта шартномалари бўйича субсидияларни давлат томонидан қўллаб-кувватланган ҳолда -40 фоиз миқдорида молиялаштиради, суғуртага ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширади. Суғурта компанияларига қўйиладиган талаблар рўйхатини тайёрлайди, зарур ҳолларда суғурталовчилар ўртасида танлов ўтказади.*

*Федерал суғурта назорати хизмати: суғурта ташкилотлари томонидан суғурта ва қайта суғурталаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.*

*“Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидаги суғуртани давлат томонидан қўллаб-кувватлаш федерал агентлиги” федерал давлат муассасаси: агросаноат мажмуасида суғуртани давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг янги механизмлари ва шаклларидан фойдаланган ҳолда суғуртани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди. Агросаноат мажмуи соҳасида суғурталаш бўйича ахборот-маслаҳат фаолиятини амалга оширади, давлат қўмагида суғуртани амалга ошириш бўйича (шу жумладан, хорижий) тажрибани ўрганади ва умумлаштиради. Россия Федерацииси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан маълумотларни тўплаш, суғурта операцияларини мониторинг қилиш, уларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилган суғурта шартномалари устидан назоратни таъминлаш бўйича берилган функциялар-*

нинг бир қисмини амалга оширади. Тизимда ишлашнинг технологик асосларини (субсидиялар даражаси, суғурта таваккалчилиги, суғурта қопламаси ва тарифлари, суғурта қилиш шартлари, суғурта мукофотларини) субсидиялаш тартибини ишлаб чиқади. Суғурта дастурларини қўллаш устидан назоратни амалга оширади, қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси соҳасида таҳлилий фаолият олиб боради.

*Суғурталовчилар юшмаси: ассоциация аъзоларининг суғурта компаниялари ўртасида табиий оғатлардан кўрилган зарарни қоплаш учун давлат маблағлари ҳаракати ва субсидиялардан самарали фойдаланишини назорат қилиш имкониятини яратади, суғурта ва қайта суғурта тизимини яратища иштирок этади, намунавий суғурта қоидаларини, суғурта шартномаларини ишлаб чиқиши, тарифларни ҳисоблаш бўйича ўз таклифларини беради, йўқотишларни қоплашга ёрдам беради, қайта суғурталаш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқади, биргаликда суғурта қилиш тамойиллари бўйича ишларни амалга оширади, суғурта қилиш бўйича таваккалчиликларни қабул қилиш ва йўқотишларни қоплаш бўйича шаффофлик ва ёндашувларнинг унификациясини таъминлайди, суғурталовчининг мажбурий қайта суғурталаш бўйича қайта суғурталовчидаги таваккалчиликларини қайта суғурталашда ёрдам кўрсатади, ассоциация аъзолари ўртасида мажбуриятдан ортиқ бўлган қўшимча қайта суғурта қилиш имкониятини таъминлайди ва ҳоказо.*

*Кредит ташкилотлари (банклар): қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига экинлар гаровини (асосий ссуда, суғурта мукофотини тўлаш учун кредит) бериш.*

*Росгидромет: агрометеорологик маълумотларни (ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик, шамол тезлиги, музлаш чуқурлиги, ернинг ишлов бериш чуқурлигидаги ҳарорат, қор чуқурлиги, тупроқдаги маҳсулдор намлиқ ва ҳоказо) беради.*

Россия Федерациисида агросаноат мажмуи таркибига кўплаб саноат тармоқларининг корхона ва ташкилотлари, нафақат экин етиштирувчи, балки чорвачилик, ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, тайёрлов ва бошқа ташкилотлар ҳам киради. Шу сабабли суғуртанинг кўплаб турларини қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси бозорига киритиш ҳақида гапириш мумкин: мулк, жавобгарлик, шахсий суғурта ва ҳаёт. Уларни тўлиқ ва тўғри баҳолаш ниҳоятда қийинлиги аниқ. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси бозорини баҳолаш жуда шартли ва тахминийдир. Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, қишлоқ ҳўжалиги суғурта бозорининг салоҳияти бугунги кунда тахминан 50-60 миллиард рублни ташкил қиласди.

Россия Федерациясида қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта ҳимоясига олаётганда, рискни бошқариш мақсадида қуйидаги тоифа (шарт)лар асосида, қабул қилинади:

1. Вояга етган: қорамол, қўй ва эчкилар – 6 ойлигидан;

отлар, туялар, эшаклар, хачирлар, кийиклар – 1 ёшда;

чўчқалар, мўйнали ҳайвонлар ва қуёнлар – 4 ойлигидан;

тухумли зотли парранда гўшти – 5 ойлигидан, бройлер етиширишга ихтисослашган хўжаликларда парранда гўшти – 1 ойлигидан;

уялардаги асаларилар оиласлари;

хизмат итлари – ҳарбий, қўриқчи, чўпон, чана, полиция, божхона, санитария, кутқарув ва ҳоказо – 8 ойлиқдан.

2. Ёш ҳайвонлар – қорамол, қўй, эчки, от, туя, эшак, хачир, буғу, чўчқа, мўйнали ҳайвонлар, қуён, парранда, маълум ёшга етмаган хизматчи итлар.

3. Ҳайвонот боғи ҳайвонларининг катта ёшли чорва моллари ва шунга мос равишда ёш ҳайвонларнинг ёши суғурта шартномасини тузишда ҳар бир аниқ ҳолат бўйича белгиланади.

Шунингдек, суғурта барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини қамраб олади: кузги ва баҳорги бошоқли ва дуккакли экинлар, техник, сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари, боғлар, резаворзорлар, узумзорлар, кўчатхоналар, иссиқхоналар ва ҳоказо. Икки ёки уч турдаги асосий маҳсулот ишлаб чиқарадиган экин ерлари учун уларнинг барчаси суғурталанган ҳисобланади.

Колхозлар, совхозлар, бошқа давлат ва кооператив корхоналарда ҳосилни суғурталаш-

да баҳолаш, асосан, 1 гектар ердан охирги 5 йиллик ўртacha ҳосилдорлик ва амалдаги нархлардан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Шу билан бирга, суғурта мукофотининг 50 % и миқдорида давлат томонидан субсидиялар ажратилиб келинмоқда. Сўнгги пайтларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш сезиларли даражада ошди, чунки Россия Федерацияси ҳукумати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига табиий оғатлар натижасида етказилган зарарни тўлашдан бош тортиш ва қишлоқ хўжалигидан суғурта тизимини кенгайтириш орқали ушбу йўқотишлар хавфидан суғурталашга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигидаги хатарларни камайтиришнинг асосий воситаси суғурта бўлиб, бу соҳа ҳўжалик юритувчи субъектлар даромадларининг ўзгарувчанлигини камайтиришга хизмат қиласди. Мамлакатимизда ҳам мазкур соҳага бўлган талаб сўнгги йилларда ортиб бормоқда. Лекин жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш керакки, агробизнесни амалга оширишда фавқулодда вазият (табиий оғат)лар учун тақдим этилган бюджет тўловлари/кафолатларига тўлиқ таяниш мутлақо ўринли эмас. Шу боисдан миллий суғурта бозоримизни аграр соҳа билан чамбарчас боғланган ҳолда қишлоқ хўжалиги қалтисликларини суғурталаш турларини кўпайтириш айни вақтдаги замон талаби.

Бунга мисол қилиб, шу соҳага ихтисослашган “Uzinsurance” акциядорлик жамиятининг фаолияти доирасида 2022 йил давомида қишлоқ хўжалиги қалтисликларини қай даражада суғуртавий ҳимояга олиш (прогноз)ини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### «Uzinsurance» АЖНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА КОРХОНАЛАР МОЛ-МУЛКИНИ СУҒУРТАЛАШ БЎЙИЧА 2022 ЙИЛ РЕЖАСИ

<b>Мева-сабзавотчилик йўналиши ва техника хизмати кўрсатётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида:</b>	- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш; - экспорт шартномаси мавжуд бўлган мева-сабзавот кластерлари, кооперациялар ва фермер хўжаликларига суғурта мукофотларининг 50 фоизини давлат бюджетидан қоплаш тартибини амалиётга жорий этиш.	Лизингга олинган қишлоқ хўжалиги техникалари ва асосий воситаларни суғурталаш бўйича 2022 йилда суғурта шартномаларини 230 тага етказиш ҳисобига 3,1 млрд. сўм суғурта мукофотлари тушуми таъминланади.	
<b>Чорвачилик, балиқчилик ва паррандачиликни суғурталаш бўйича:</b>	Чорва ҳайвонларини суғурталаш бўйича 2021 йилда 682 та суғурта шартномалари тузилиб, 179,5 млн. сўм суғурта мукофотлари тушуми таъминланган бўлса, 2022 йилда мазкур суғурта тури бўйича 850 та суғурта шартномалари тузиш ҳисобига 327 млн. сўм суғурта мукофотлари тушуми таъминланиши режалаштирилган	Балиқчилик йўналишида 2022 йилда 500 млн. сўм суғурта мукофотлари тушумлари таъминланади	2022 йилда паррандачилик соҳасидаги хавфларни суғурталаш бўйича 1 млрд. сўмдан зиёд суғурта мукофотлари йиғиш кўзда тутилган

**Хулоса ва таклифлар.** Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга ошириш бўйича тажрибаларини ўрганиш, республикамиз маҳаллий шароитларини инобатга олган ҳолда қўллаш яхши самара беради. Хорижий тажрибалар асосида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фаолиятидаги хатарларни бошқариш юзасидан қўйидаги таклифларни бериш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғурталашда рискларни бошқаришнинг бир нечта таркибий қисмларини жорий этиш, булар:
  - хавфни ўлчаш (эҳтимоллик назарияси асосида қарорларни таҳлил қилиш);
  - хавф стратегияси (хавфларни бошқаришнинг интеграцияси, ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси ёки ўзгариши билан боғлиқ рискларни таҳлил қилиш);
  - операцион хавф (мехнат хавфсизлиги, фирибгарлик, маҳсулот сифати, аутсорсинг, яъни қиммат операцияларни учинчи томон компанияларга топшириш);
  - сиёсий хавф (давлатнинг ҳуқуқий аралашуви, сиёсий бекарорлик, порахўрлик);
  - тизимли таваккалчилик (молиявий тизимларнинг моҳияти, лойиҳани молиялаштиришда рискни камайтириш йўллари);
  - экологик хавфлар (табиий оғатларнинг таъсири, такомиллаштирилган прогнозлашусуллари, фавқулодда ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш).
2. Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғурталашда ҳар томонлама суғурта ҳимоясини ташкил этиш қўйидаги асосий тамойилларга асосланиши керак:
  - комплекс суғурта ҳимоясини таъминлаш учун харажатлар миқдорини аниқлаш орқали суғурта ҳимояси тизимининг параметрларини босқичма-босқич оптималлаштириш;
  - суғурта обьектлари ҳақида тўғридан-тўғри тўплланган статистик маълумотларни таҳ-

лил қилиш орқали суғурта ҳимоясини таъминлаш харажатларини минималлаштириш;

– суғурта ҳодисалари юз берганда, йўқотишиларнинг энг тўлиқ қопланишини таъминлаш, шу жумладан, рискларни қайта суғурталашни актуар таҳлиллар асосида тўғри йўлга кўйиш.

3. Қишлоқ хўжалиги суғуртасида рискларни бошқариш тизимини жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш субъектлари оладиган асосий имтиёзлар, булар:

- бизнесни бошқариш салоҳиятини ошириш;
- мумкин бўлган фирибгарлик учун зарур хавфларни камайтириш;
- бошқарув қарорлари сифатини ошириш;
- прогнозлаш самарадорлигини ошириш, шу жумладан, мавжуд рисклар бўйича ахборот базасини тўплаш;
- мумкин бўлган хавфларни баҳолаш учун маълум бир корхона фаолиятига мослаштирилган мезонлар тўпламини шакллантириш.

4. Рискларни бошқариш жараёнида қўйидаги тамойилларга амал қилиш керак:

- риск суғурталовчининг ўз капиталидан ошмаслиги керак;
- ҳар бир риск ҳақида мониторинг ва давомий таҳлил олиб бориш керак.

Қишлоқ хўжалиги бизнесига таъсир кўрсатадиган хавфли вазият (сиёсий хавф, экологик хавф) юзага келганда, олдини олиш чора-тадбирларини қўллаш лозим.

5. Қишлоқ хўжалиги суғуртасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ундаги рискларни бошқариш амалиётини ўрганиш бўйича: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги – хорижий давлатларнинг ўхшаш тузилмалари, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар билан қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш соҳасида ҳамкорликни ташкил этиши лозим.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. – М.: Эксмо, 2007. С. 127. Там же, с. 132.
2. Найт Риск Ф.Х. Неопределенность и прибыль. – М.: Издательство «ДЕЛО», 2003.
3. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент. // Финансы и статистика (Монография посвящена вопросам развития организации на основе управления рисками).
4. Балдин К.В. Риск-менеджмент. В учебном пособии рассмотрены методологические, организационные и технологические основы принятия управленческих решений в условиях риска. – 368 с.
5. Васин С.М. и Шутов В.С. Иерархическая система классификации хозяйственных рисков (Управление рисками на предприятии). 2015 г. С. 32.
6. Рейтман Л.И. Страхование как финансово-кредитная категория. / Сб. Вопросы сущности и функций финансов в системе производственных отношений при социализме. – М.: МФИ, 1988. С. 85.
7. Литовченко В.П. Экономическая необходимость, функции и роль страхования в условиях рыночной экономики. – М.: Банковское дело. <https://smekni.com>
8. Зайнутдинов Ш.Н., Шермухamedov A.T. Риск менеджмента. Учебное пособие. – Т.: Иктисад-молия, 2007. –256 с.
9. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2007. – 340 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (27.04.2022 йилдаги ПҚ-225-сон).
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манбаатдорлигини ошириш учун қулај шароитлар яратилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори (17.08.2022 йилдаги 455-сон).
12. <https://www.imda.uz/>
13. <https://www.agros.uz/>
14. <https://www.norma.uz/>
15. <https://www.lex.uz/>